

## **Коронавируснинг иситмадан кўра аниқроқ белгиси маълум қилинди**

Хид ва таъм сезгиларининг йўқолиши коронавирус юқтирганликнинг асосий белгилари бўлиши мумкин. Бу ҳақда Лондондаги Қироллик коллежи олимлари маълум қилишди.

Қайд этилишича, шундай белгиларга эга бўлган 59 фоиз беморларда коронавирусга тест топширилганда мусбат натижа чиқкан. Ушбу кўрсаткич коронавирусни аниқлашда юқори иситмадан кўра аниқроқ белги эканлиги маълум бўлган.

Олимларнинг таъкидлашича, таъм ва ҳид сезгиларининг йўқолиши бошқа белгилар билан бирга коронавирус инфекцияси борлигини уч карра аниқроқ кўрсатади. Мана шу белгилар намоён бўлганида етти кун давомида ўз-ўзини изоляция қилиш тартибига қатъий амал қилиш лозим.

Аввалроқ коронавируснинг асосий белгилари сифатида нафас олишнинг оғирлашиши, қуруқ йўтал ва тана ҳароратининг кўтарилиши қайд этилганди.

2020-04-03 05:46:58